



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИстон Республикаси
КУТУБУХОНАСИ
Ташкилотлар институти

2008 йил, 27 октябрь, Душанба

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировга муборак 80 ёшга тўлиши муносабати билан самимий қутлов йўллади.

● Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши 2008 йил 30 сентябрда қабул қилган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Тошкентда Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги ва унинг қўйи тизими органларининг 2008 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, йилни муваффақиятли якунлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бўйича бошқармаси қақриув пунктида синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ватан олдидаги йиғитлик бурчини ўташга шайланган бир гуруҳ ёшларни хизматга қузатиш маросими бўлиб ўтди.

● Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи Тошкент вилояти комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзоларининг жойларда сайловини ташкил этишнинг бориши билан боғлиқ ахборотлари тинланди.

● Нукусда иқтидорли ёшлар кўриги — «Янги авлод-2008» республика болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда 6 та йўналиш бўйича 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 600га яқин ёшлар иштирок этди.

● Яққабғ туманидаги Совуқбулоқ қишлоғида жойлашган 9-мактаб ўқувчилари Интернет хизматидан фойдалана бошлади. Бунда «Билайн» белгиси остида хизмат кўрсатувчи «Юнител» компаниясининг «Янги технологиялар — болаларга» ижтимоий дастури қўл келди. Бугунги кунда Қашқадарё вилоятидаги 139 та мактаб ўқувчилари уяли алоқа тизими орқали Интернетга чиқиб, зарур ахборотларни олишмоқда.

● Бухоро Давлат университетини «Педагогика» кафедрасининг ёш ўқитувчиси Зарафшон Галиев илмий изланишларини Франциянинг нуфузли олий ўқув юртиридан бири — Сорбонна — Париж университетиде давом эттириш учун таклифнома олди.

● «Али» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси томонидан Гулистон шаҳри марказида икки қаватли уй қуриб битказилди. Бу ерда 9 та ёш оилалар уй тўйларини нишонлашди.

ЖАҲОНДА

● Глобал муаммо даражасига кўтарилиб улгурган молиявий инқироздан чиқиш йўллари муҳокама этиладиган «Катта йиғирматалик» давлатлар раҳбарлари ўртасидаги саммит 15 ноябрь кuni АҚШнинг Вашингтон шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

● Литвада бўлиб ўтган парламент сайловларининг иккинчи турида муҳолифатдаги «Ватан иттифоқи» консерватив партияси голиб чиқди.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес Кариб ҳавзасидаги Маргарита оролида йирик ҳарбий-денгиз базасини ташкил этиш ниятида эканлигини билдирди. Президентнинг сўзларига қараганда, янги база қўшни давлатлардан бирортасига ҳам қарши йўналтирилмайди. Давлат мудофааси билан боғлиқ вазифаларнинг ҳал этилиши билан бирга база наркотиклар контрабандасига қарши курашни янада кучайтиришга имкон яратди.

● Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) нефть қазиб олишни кунга 1,5 миллион баррелгача қамайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарор жорий йилнинг биринчи ноябрдан кучга киради. ОПЕКнинг бундай ҳулосага келишига жаҳон бозорига юзага келган молиявий инқироз ва унинг оқибатида нефть нархининг тушиб кетаётгани сабаб бўлди.

● Кеча АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли 4 та вертолёт Сурия ҳудудининг 8 километр масофасига ичкарасига кириб, Эс-Суккрия шаҳарчасига ракета зарбасини бериши оқибатида тинч аҳолидан 9 киши ҳалок бўлган, 14 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Шу муносабат билан расмий Дамашқ ушбу мамлакат ҳудудидан вертолёт ҳужуми уюштирилгани сабабли Ироққа норозилик эълон қилди.

● Венгрия ва Халқаро валюта жағмармаси ўртасида ушбу Европа мамлакатининг жағмарма томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида келишув имзоланди.

● Покистоннинг шимоли-шарқиде жойлашган Саэт водийсида мамлакат ҳарбийлари ва жангарилар ўртасида қуролли тўқнашув юз берди. Маълумотларга қўра отишмалар чоғида 15 нафар ҳукумат аскарлари ҳалок бўлган, жангарилардан эса беш нафари йўқ қилинган. Босқинчиликни «Толибон» ҳаракатининг Покистонда фаолият олиб бораётган бўлими амалга оширганлиги таъкидланмоқда.

● Жаҳон узра кезаётган молиявий инқироз Британия қиролчаси Елизавета IIни ҳам четлаб ўтмади. Биржаларда юзага келган беқарорлик туфайли қироллик оиласи умумий мулкнинг учдан бири, яъни 70 миллион доллар йўқотди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

- **ЁШЛАР** йили муносабати билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида уюштирилган тадбирда шаҳримиздаги олий ўқув юртиларининг бир гуруҳ ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.
- **БУГУН** шаҳримизда «Саноат маҳсулотлари, ускуна ва технологиялар» халқаро кўргазмаси бошланди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг 80 йиллигига бағишлаб ёзувчилар, шоирлар, адибнинг мухлислари, яқинлари иштирокида адабий-бадиий кеча уюштирилди.
- **ЎЗБЕК** -япон марказида менежмент курсини якунлаган бир гуруҳ ёшларга дипломлар топширилди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Архитекторлар уюшмасида Татьяна Ницович асарлари кўргазмаси санъат илосманлари эътиборига ҳавола этилди.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида мактабга тайёрлаш курси қатнашчилари иштирокида «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман» мавзуда кўриктанлов уюштирилди.
- **БУГУН** Миробод туманидаги Фадул Фулом номи маданият уйи сартарошлик курси қатнашчилари 124-мактаб-интернатга саёҳат қилишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

БУГУНГИ КУНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҲАР БИР КОРХОНА МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЎЗ ИСТИҚБОЛИНИ ТЎҒРИ БЕЛГИЛАШ ЙЎЛИДА ИНТИЛАР ЭКАН, ДАСТАВВАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ. ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШДА БУНДАЙ КОРХОНАЛАРНИНГ МУНОСИБ ЎРНИ БОР.

Саноат

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Компрессор-пневмотехника» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Натияжада кейинги йилларда импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари ортиб, бюртотмачилар сафи кенгаймоқда. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур корхонада тайёрланаётган сифатли ва рақобатбардор маҳсулот — компрессорлар, филтрлардан халқ ҳўжалигининг қўлпа тармоқларида кенг фойдаланилмоқда. Уларнинг афзаллиги томонларини нафақат республикамизда, балки Мустақил Ҳамдўстлик давлатлари — Россия, Грузия, Қозоғистон, Озарбойжонда ҳам эътироф этишмоқда.

Ҳозирда ушбу жамият жамоаси — 28 нафар ўз касбининг усталари бўлган ишчи-хизматчилар корхонада баракали меҳнат қилишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан цехлардаги унумли дастгоҳ ва ус-



Саноат

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

қуналар мададида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардорлиги ортиб бормоқда. Улар бозор иқтисодиёти талаблари асосида изланар экан, янгилик яратишга, маҳсулот турларини мукамаллаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

— Жамиятимиз юртимиздаги машҳур «Компрессор заводи» ҳудудида ташкил топган, — дейди корхона директори, ишчан раҳбар Мила Маридова. — Заводнинг 60 йил-

Саноат

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

лиқдан зиёд иш тажрибасига, унинг Марказий Осиёдаги мавқеига таянган ҳолда иш кўникмаларидан унумли фойдаланамиз. Корхонамиз маҳсулотлари геология, қурилиш (жаҳон талабларига мос йўл қурилишида, ишлаб чиқариш корхоналарида ва ҳоказолар)да унумли қўлланилади.

Муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди, албатта. Ишчи-хизматчиларнинг касб-маҳоратлари, изланишлари боис, бюртотмалар ўз муддатларида, сифатли бажарилмоқда. Шу ўринда ҳамкорлар ҳақида ҳам айтиш ўринли, масалан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясида корхонанинг ёнлиги филтрлари тажриба-синовлардан ўтказилди ва талабларга тўлиқ жавоб бериши билан транспортчиларни мамнун қилмоқда...

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, корхона жамоасининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўққиз ойликда 370 миллион сўмни ташкил этди. Шу муддатда уларнинг «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан экспорт қилган товарлари 70 минг доллардан иборат бўлди. Жорий йил охиригача эса ушбу жамият аъзолари жами 500-600 миллион сўмлик сифатли ва рақобатбардор импорт ўрнини босувчи компрессорлар ишлаб чиқариш йўлида саъй-ҳаракатлар қилишмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Компрессор-пневмотехника» масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчиларининг унумли меҳнатлари самараси сифатли маҳсулотларда акс этмоқда. Ҳакимжон Солихов олган суратлар

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ипак йўли мамлакатларида маданият йўналишидаги сайёҳликни ривожлантириш ва оммалаштириш йўллари» мавзудаги халқаро конференция иштирокчилари қадим шаҳарларимиз — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентнинг тарихий обидалари, осори-атиқалари, бугунги бунёдкорлик ишлари билан танишишди. ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ДУРДОНА

Мусо Жаъфар бин ҲАСАН, Омоннинг ЮНЕСКО ҳузурдаги доимий вакили:

— Мазкур халқаро анжуман нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё мамлакатлари сайёҳлик соҳаси учун катта аҳамиятга эга. Чунки бу соҳа мамлакатни барқарор ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим омиллардандир. Ўзбекистон бундай нуфузли тадбирга мезбонлик қилаётгани мамлакатингизда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибордан далолатдир.

Ўзбекистоннинг тарихи бой, бугунги ёрқин, келажакки буюқдир. Ушбу муқаддас заминда камолга етган, оламшумул кашфиётлари билан жаҳонга танилган буюқ мутафаккирлар ўзининг бой маънавий ва маданий мероси билан дунё цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Уларнинг эзгу ишларини бугунги авлод муносиб давом эттирмоқда.

Ҳар гал юртингизга келганимизда бектарор тарихий обидалар ва муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиб, руҳим кўтарилди. Дунёга қадимий шаҳарлари тўғрисида ҳақиқат билан Самарқанд, Бухоро, Тошкент азалдан Шарқнинг энг ёрқин илму маърифат марказлари бўлган. Бундай тароватли шаҳарлар кам. Бу шаҳарлар инсоният бунёдкорлиги, юксак ақлу заковати, тафаккури тимсолидир

Тадамичи ЯМАМОТО, Япониянинг ЮНЕСКО ҳузурдаги доимий вакили:

— Буюқ Ипак йўли қадимда Шарқ ва Ғарбни боғловчи мустаҳкам робита бўлган. Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ҳақиқатдир. Юртингиз беҳад гўзал, тарихий обидаларга бой. Шу боис турли давлатларда бу ерга келиш истагида бўлган сайёҳлар тобора кўпаймоқда.

Анжуман юксак савияда ташкил этилгани билан диққатга сазовордир. Конференция Буюқ Ипак йўли мамлакатларида маданият йўналишидаги сайёҳликни тараққий эттиришга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг бу борада хорийқий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлиги таҳсинга лойиқ. Мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Буюқ Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар тарихи, жумладан, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби қўллаб қадимий шаҳарлари тўғрисида ўқиган эдим. Конференция доирасида бу шаҳарларни, оламга машҳур ноёб маданият ёдгорликларни ўз кўзим билан кўриш имконига эга бўлаётганимдан бахтиёрман.

(Давоми 2-бетда).

ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЎП

ПОЙТАХТДА ШАҲАР ФАОЛЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ЎТГАН ТЎҚҚИЗ ОЙ ДАВОМИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ЖОРИЙ ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА ҲАМДА КЕЛГУСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧЎҚУРАШТИРИШ БОРАСИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВР ВАЗИФАЛАРНИНГ СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЧОРАТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. ЙИГИЛИШНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ АБДУҚАҲҲОР ТЎХТАЕВ ОЛИБ БОРДИ.

Айтиб ўтилганидек, ривожланишнинг барча жаҳаларида давом эттирилган чўқур ислохотлар натижаси ўлароқ ҳисобот даврида пироварди макроекономика ва молиявий барқарорлик таъминланишига эришилди.

Чунончи, ҳудудий ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 117,8 фоизга бажарилди. Шу жумладан, ўтган йилнинг маз даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмлари саноатда — 40,2 фоизга, халқ истеъмоли моллари бўйича — 28,1 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасида — 24,5 фоизга, экспорт ҳажми — 33 фоизга ошгани кузатилади.

Иқтисодиётнинг ушбу асосий соҳаларида эришилган юқори кўрсаткичлар давлат ва маҳаллий бюджет даромадларининг ортиги билан — тегишли равишда 103,2 ва 105,3

фоиз микдорида бажарилишини таъминлади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий тўловларнинг ҳамда муҳим ижтимоий дастурлар ва тадбирларнинг вақтида ва тўлиқ бажарилишига асос бўлди.

Ўтган вақт ичида 52.614 та янги иш жойлари яратилди. Аҳоли жон бошига пул даромадлари 26,2 фоизга ошди.

Ҳисобот даврида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш борасидаги мақсадли дастурлар ҳам илчил таъбиқ этилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар биринчи навбатда инвестициялар ҳажмининг 60 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри сармояларнинг 77 фоизга кўпайишига хизмат қилди.

Ўтган тўққиз ой ичида пойтахтда 972 та янги иш-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ушбу тизимдаги субъектларнинг ялпи худудий махсулотдаги ҳиссаси деярли 50 фоизга тенг бўлишини таъминлади. Хусусан, хизмат бўйсига соҳасининг кичик бизнесдаги улуши 65 фоизни ташкил этди. Йилгилишда эришилган юқори кўрсаткичлар қаторида мавжуд муаммолар ва йўл қўйилган камчиликлар устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу борада ҳужжалик субъектлари ва тегишли тизимла раҳбарлари ҳамда туман ҳокимлари эътибори иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўсишга эришиш лозимлиги, бунда мавжуд имкониятлардан тўлиқ

да пойтахтда ўз ишини бошлаган иккинчи кооперацион биржанинг яна ўз самарасини беришига ишонч катта бўлаётган. Бундай тадбирлар қанчалик тез тез уюштириб борилса, ҳужжалик субъектлари бир манзилга жамланган ҳолда ўзларининг имкониятларини таққослаб, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, чунончи, ўзаро манфаатли келишувларга эришишига яхши фурсат пайдо бўлади. Ҳисобот даврида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури бўйича айниқас алоқа ва ахборотлаштириш, банк, молия, меҳмонхона йўналишларида кўрсаткичлар анча юқори бўлди. Лекин Тошкент шаҳрида қурилиш майдонлари кўлами йил давоми-

ни киш мавсумига тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам қўриб чиқилди. Айтиб ўтилганидек, бу йилга алоҳида дастур бўйича буткул таъмирлашга киритилган 424 та кўп қаватли уйдан ташқари, ҳукуматнинг Тошкент шаҳри аҳолисининг уй-жой-коммунал шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси бўйича кўшимча равишда киш даври киргунга қадар яна 500 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик тармоқлари ҳам янгиланиши кўзда тутилган. Тегишли тизимла раҳбарлари ахборотига кўра, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси объектлари киш мавсумига шай ҳолатда. Шундан келиб чиққан

ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЎП

фойдаланиш, шунингдек, янги имкониятларни излаш муҳим аҳамият касб этиши, сармояларни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, янги рақобатбардош махсулот турларини кўпайтириш зарурлигига қаратиб ўтилди. Фаоллар йилгилишда айрим мақсадли дастурларнинг бажарилиши танқидий таҳлил этилди. Маҳаллий хом ашё негизида ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастури ҳам жалб этилган беҳиз эмас, албатта. Эслатиб ўтиш ўринлики, маҳаллийлаштириш дастурининг талай имтиёзлари мавжуд. Хусусан, солиқ ва боқ тўловларидан озод этилиши иштирокчи корхоналарга иқтисод қилинган маблағларни ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кенгайтиришга сарфлаш имконини беради. Аммо ўтган вақт ичида маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги 22 та лойиҳа тўлиқ бажарилмаган. Сабаблар эса, тахлилларга қараганда, турлича... Бу борада авваламбор, шубҳасиз, субъектларнинг имкониятлари пухта ўрганиб чиқишлиги талаб этилади. Бироқ шаҳар Иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Зафар Тўйчиев айтиб ўтганидек, мажбуриятларини бажара олман қорхоналарни фақат дастурдан четлаш билан пироваддан мақсадга эришиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ҳам лойиҳани амалга ошириш, ҳам қорхонанинг истиқболни учун барча имкониятларни сафарбар этиш лозимдир. Қолаверса, таъкидланганидек, ички кооперация алоқалари бу борада энг мақбул имконият бўлиши шубҳасиз. Айни кўнлар-

да кенг бўлишига қарамасдан, пудрат соҳасида белгиланган ўлчамларга эришилмади. Жумладан, 34 та қурилиш ташкилати 41 миллиард сўмга ўз имкониятларини пайдо қилиб юборди. Амалда ўз ифодасини топмаган бу кўрсаткичнинг нечоғлиқ жиддий эканлигини эса ўтган вақт ичида пойтахтда фаолият юритаётган 68 та қурилиш ташкилати томонидан 545,6 миллиард сўмга тенг ишлар бажарилишига таққослаб билиш қийин эмас. Йилгилишда сўзга чиққан иқтисодиёт вазирынинг биринчи ўринбосари Галина Саидова иқтисодиёт тармоқларида самарасиз, зарар билан ишлаётган, истиқбол бўлмаган ҳужжалик субъектларини молиявий соғломлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар зарурлигига ургу берар экан, бу борада банк тизимларининг инвестицион фаолиятда фаолашуви даркорлиғи, хусусан, нафакат кредит бобида, балки бевосита субъектлар муассислари сифатида катнашиши, бу эса қорхоналарни ва умуман мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватлашда яхши имконият эканлигини таъкидлади. Банкларнинг модернизациялаш, ишлаб чиқариш тармоқларида ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари бўйича истиқболли ва юқори самарали инвестицион лойиҳалардаги иштироки, шубҳасиз, дунё ва ички бозорда рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқарилиши демокдир. Шу билан бирга айнан шу йўсунда республикамиз иқтисодиётини бугунги кунда қўллаб-даватлар рубару келган молиявий инқирознинг бевосита таъсиридан четлаш имконияти борлигини унутмаслик лозимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Йилгилишда уй-жой-коммунал ва бошқа ижтимоий объектлар-

ҳолда йилгилишда ушбу масала муҳокамаси жараёнида уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан уларнинг газ, иссиқлик ва ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашида юқорида қайд этилган ва бошқа манфаатдор тизимла раҳбарлари, туман ҳокимликларининг шахсан жавобгарликлари таъкидланди. Шунингдек, шаҳар бозорларида асосий равишда нархларнинг ўсиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қишлоқ ҳужжалик махсулотларини захирадан тизимли сотувга чиқариш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Йилгилиш кўп тартибдаги масалалар муҳокамаси давомида айрим йирик ишлаб чиқариши қорхоналари раҳбарлари, туман ҳокимлари, шаҳар ҳокимлигининг тизимлари бошлиқларининг ахборотлари тингланди. Билдирилган тақлифлар ва фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, туртинчи чоракда ҳамда келгусида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим устувор вазифарлигининг амалга оширилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини ривожлантиришда ишончли қарорлар яратиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди. **Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА 25 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлубов юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятда барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. Қўнунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўлини бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани ўз самараларини бермоқда. Ички ишлар идораларининг барча тизимлари сифат жиҳатдан бутунлай янгича асосда шакллантирилди. Хусусан, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши кураш кучайтирилди. Тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинимлари мустаҳкамланди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини, пост-патруль, профилактика хизматлари, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги тизими замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Айни пайтда милиция ходимларининг аҳоли ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди, содир этилаётган жиноятларга қарши тезкор кураш олиб бориш имкониятлари ортиб бермоқда. Бунда соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани ва юксак малакали, профессионал кадрларни тайёрлаш ва ишга жалб этишнинг ўзига хос тизими жорий этилгани муҳим ўрин тутаяпти. Бу борадаги ишлар самарадорлиғи ошаётгани, муҳими, ички ишлар идоралари ходимларининг элу юртимизнинг осойишталигини таъминлашда ишончли қўнунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди. Президентимизнинг ушбу фармони нафакат мукофотланганлар, балки барча ҳамкасбларимизни қувонтирди, — дейди Қашқадарь вилояти Шахрисабз тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси Жамила Султонова. — Чунки бу соҳамизга бўлган юксак эътибор ва ишонч белгиси. Биз ана шу ишончнинг сидқидилдан оқлаш ва халқимиз манфаати йўлида фидойилик билан меҳнат қилаверамиз. Ички ишлар тизимида самарали хизмат қилаётган ходимлар, фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тантанали тадбирга саноаткорларнинг байрам концерти янада файз бағишлади.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда).

Александр САВОВ, Болгария Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси раиси: — Ўзбекистонга ўттиз йил аввал — талабалик кезларимда келган эдим. Бу гал мамлакатингизни ўзим учун янгидан кашф қилдим. Ўтган вақт оралиғида юртингиз таниб бўлмас даражада ўзгарди кетибди. Хар қандай кишини лол қолдирадиган гоят улкан бунёдкорлик ва обо-

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ДУРДОНА

донлаштириш ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистон — бой маданий меросга эга мамлакат. Юртингизга келган хар бир сайёҳ бекаткор тарихий обидалар ва маданий ёдгорликлар, ўзбек халқининг урф-одатлари, аёна ва қадриятларидан, меҳмондўстлигидан ҳайратланишига шубҳа йўқ.

— Маданият йўналишидаги сайёҳлик нафақат мамлакатни иқтисодий ривожлантириш, балки турли халқлар ўртасида ўзаро дўстлик ривожланиши мустаҳкамлаш, бир-бирининг миллий қадриятлари, аёна ва урф-одатлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишга хизмат қилади. **ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

йўлидаги дурдона. Юртингизда сайёҳларни жалб этувчи барча омиллар — энг ноёб тарихий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар, хушманзара табиат ва файзли гўшалар, ажойиб қадриятлар бисёр. Шу боис Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик бозоридидаги нуфузи тобора юксалмоқда. **ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**



ПОЛИКЛИНИКАДА «ДОНОР КУНИ» ТАДБИРИ
Чилонзор туманидаги 36-оилавий поликлиникада ҳар йил чорақда бир мартаба мунтазам равишда гематология ва қон қўйиш илмий-тектириш институти томонидан ташкил этиладиган «ДОНОР КУНИ» ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.
Гал шундаки, поликлиника ходимларининг аксарият қисми доимий донор ҳисобланишади ва ўз миқозлари учун беғараз қон топириб, беморларнинг соғлиқларини тиклашдек олижаноб ишда ибрат сифатида хизмат қилишади. **СУРАТДА: институт ходимлари иш устида. Алексей Попов олган сурат**

МИЛЛИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН РОССИЯ ДИЗАЙНЕРЛАРИ КЕНГАШИ, МАЗКУР МАМЛАКАТИНИНГ ЮРТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ВА БИР ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР ХАМКОРЛИГИДА «ПОДИУМ» ЁШ ДИЗАЙНЕРЛАР ВА МОДЕЛЬЕРЛАР ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

2008 — Ёшлар йили

ЁШ ДИЗАЙНЕРЛАР ВА МОДЕЛЬЕРЛАР ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

Юртимизда миллий мода соҳасини изчил ривожлантириш, иқтисодли ёш дизайнер ва модельерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бу борада халқаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Яқинда ўтган «Style.Uz-2008» Дизайнер ва мода ҳафталиги бунинг далили бўлди. Бундан ўн йил муқаддам Россияда асос солинган ёш модельер ва дизайнерларнинг «Подיום» танлови пойтахтимизда ўтказилиши ана шундай истиболли ҳамкорликнинг ёрқин самараларидандир. Ушбу танловда юртимиз ва Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Миср каби давлатлардан олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ёш модельерлар ва дизайнерлар оммавий ишлаб чиқаришга мўлжалланган либослар туркуми, авангард йўналишдаги кийим тўплалари, пайаззаллар, турли безаклар ва бошқа йўналишлар бўйича ўз ижодини намойиш этди. — Ўзбекистон йирик мода марказига айланиб бормоқда, — дейди танловнинг ташкилий кўмитаси раиси, россиялик Николай Прокопенко. — Мода соҳа-

сида Тошкент шаҳрида турли қизиқарли ва айни пайтда халқаро миқёсдаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши, муҳтамаб галерейлар, мода уйларининг фаолият кўрсатаётгани, дизайнерлар учун барча шароитлар яратилгани бунга тўлиқ асос бўла олади. Миллий мода санъатининг ривожидида давлатингиз томонидан кўрсатилаётган эътибор диққатга сазовор. Бундай эзгу ишларда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси каби жамоат ташкилотларининг муносиб ҳиссаси бор. Ушбу жамғарма кўмағида «Подיום» танловининг Тошкентда ўтказилиши талабалар ўртасида ўзаро фикр ва таъжриба алмашини, янги қизиқарли гоёлларнинг пайдо бўлишига хизмат қилади. Тадбир доирасида ўзбекистонлик ва россиялик модельерлар, дизайнерлар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари иштирокида маҳорат сабоқлари, амалий семинарлар ташкил этилиши кўзда тутилган. Танловнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирынинг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова иштирок этди. **Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

• Улчовларнинг метр тизими Францияда буюк француз инқилоби даврида киритилган эди. Улчовларнинг янги тизимини хал қилишга ўша даврнинг машҳур олимлари Бертолле, Борда, Логранж, Лаплас, Деламбр ва бошқалар жалб қилинган эди. Узунлик бирлигининг доимийлигини таъминлаш мақсадида олимлар уни ер шарининг ўлчовлари билан боғлашга қарор қилганлар. Олимлардан Деламбр ва Метр ер меридианининг ёйини ўлчаб, унинг чорағига тенг ёйнинг узунлигини топадилар. 1795 йил 7 апрелдаги қонунга биноан ер меридиани чорағининг ўн миллиондан бир бўлаги узунлигининг янги асосий бирлиги сифатида метр деб қабул қилинди. • Сиз чойга солишни хуш кўрадиган лимондан бир инглиз соатсози электр токи олишда фойдаланмоқда. У лимонга руҳ ва мисдан ўтказгич улаб, электрон соатни ишлаб чиқаради. Кўп ўтмай соат тўхтаб қолгандир, деб ўйларсиз, йўқ, бу антиқа соат роппа роса беш ой ишлайди. • Японияда сув ўтларидан 300 хилдан ортиқ миллий таомлар тайёрлаш мумкин экан, деган хулосага келинди. Бу ўсимликлардан яна хар вилитаминлар, оксалил ун, ўсимлик мойи, крахмал, турли аминокислоталар, қон босими ва толиқшишга қарши дори-дармонлар ҳам олинади. Маълум бўлишича, кўшимча ёрғулик бу ўсимликларга яхши таъсир қилар экан. Бинобарин, улар тез ўсиб, таркибида янада кўпроқ фойдали моддалар тўплар экан. Япон олимлари сув ўтларини микроэлементлар ва фосфор тузлари билан махсус чиқроқлар орқали ёритиш ҳисобига бу ўсимликлардан икки баробар кўп ҳосил олиш мумкинлигини исботладилар. Айни вақтда сув ўтларининг янги-янги серхосил навларини яратиш устида ҳам иш олиб борилямоқда. • Одатда мушуклар 10-12 йил умр кўради. Бироқ, Австралиянинг Атика шаҳрида яшовчи 67 ёшли бароннинг мушуги узок яшашда дунёда рекорд кўйган. Бу Том лақабли мушук 40 йилдан беш бароннинг хонадонида яшайди. Уни барча оила аъзолари яхши қўришади. Барон 27 ёшида боқиб олган Том ўтган давр мобайнида бирор марта ҳам касалланмаган. • Гавайликларнинг полинезия шеvasи дунёда энг осон тил эканлигини тилшунослар таъкидламоқдалар. Чунки унда атиги олтига ундош ва бешта унли харф бор. Бундан ташқари, биронта ҳам талаффузи қийин сўзлар учрамайди. Аммо бу тилин ўрганиш кўпма осон саналмайди. Чунки ўн битта товус имло-сидан жаҳон тиллари конструкциясидаги сўзларни тузишнинг ўзи бўлмайди. • Буюк британиялик мутахассислар шиша идиш чiqиндиларидан фойдаланишнинг ўзига хос йўлни топишди. Улар шишани майдалайдиган махсус мослама тайёрладилар. Ана шу махсус қурилма ёрдамида майдаланган шиша синиқларидан қавҳахона, ресторан, меҳмонхона эгалари безак сифатида фойдаланмоқдалар. Шиша синиғини бетон, асфальт ҳамда цемент қоришмаларига аралаштириш натижасида йўлнинг чидамиллиги ошмоқда. Натихада автомобиль шишаларининг тез едирилишининг олди олинмоқда. • Англиянинг машҳур тез доктори олти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган 171 нафар болани танлаб, уларнинг 90 тасига хар кун биттадан олма едирган. Қолганларига бошқа мева-чевадардан берган. Шу тарзда олти ой таъриба олиб боргандан кейин, хар кун олма еган болаларнинг оғиз бўшлиғида ҳеч қандай орқиз юз бермаганлигини, олма емаган болаларнинг яримдан кўпрогининг оғиз бўшлиқ касаллиги ва тиш оғриғига мубтало бўлганлигини аниқлаган. • Америкалик олимлар таркибида сув кўп, қувватли таомлар одами озгиналаштириш ҳусусиятига эга бўлиб қолмасдан, балки терини юмшоқ ва силлиқ сақлашини ҳам эътироф этганлар. Тухумда сув таркиби 74 фоиз, товук гўштира 70 фоиз, узумда 80 фоиз, сабзида 90 фоиз бўлар экан. Яна бир шифокор шундай деган экан: «Қайноқ сувни кўпроқ ичиб туриш керак экан. У бадандаги кераксиз моддаларни чиқариб, одам қиефасини яхшилайд». • Кўз тўсатдан кўрмай қолса, жигарнинг бузилишдан далолат беради. Хид билиш қобилиятининг бора-бора ишдан чиқиши, ўпқанинг иш қобилиятини ўзгартиридан бўлади. Таомларнинг таъмини ажратолмай қолиш бўйракнинг ишлаш миқдорини йўқоётганлигининг белгисидир. Лаабларнинг сезувчанлиги ёмонлашса, ошқозонда камчилик бор. Оғиз қуриб туриши юракда касал борлигининг белгиси экан. • Инсон организмидидаги қон томирларнинг ҳаммаси орқали тутатиб турганидан бадандаги қон бармоқларга айланиб туради. Шунинг учун иш, хизмат қанчалик кўп бўлса ҳам вақт топиб, хар кун таҳминан ярим соат боғларда, ҳовлида оёқ яланг юришга одат қилинганда, жигар хасталанишининг ва шамоллашнинг олди олинади. Хар кун давомли оёқ яланг юрган кишининг юраги бақувват бўлади, иштаҳаси бузилмайди, қулоғи эшитиш қобилиятини йўқотмайди, кўзининг қуввати камиймайди. • Қадимги Хитойда бадавлат одамлар чинни идишда таом тановул қилишган бўлишса, камбағаллар темир идишда овкатланишган. Бу одат авлоддан-авлодга ўтиб давом этган. Кейинчалик темир товоқлар ўрнини арзон алюминий идишлар эгаллаган. Бироқ янги идишлар пайдо бўлиши билан аҳоли ўртасида камқонлик билан оғриган беморлар сони ортиб борган. Олимлар қадимги Хитой табобати ҳақида ҳужжатларни текширишлари натижасида ҳақимлар соғлиққа фойда деб темир идишларни тавсия қилишгани маълум бўлди. Улар темир идишсиз қон янгиланмайди, деб таъкидлашган. Ҳозирги вақтда Хитойда эски темир идишлар жуда қimmat туради. Бундай идишларни фақат ўзига тўқ, бую хонадонларга сотиб олади, камбағаллар эса алюминий идишларни чиннига алмаштиришмоқда. Нима бўлганда ҳам чинни идишнинг зарари йўқ-да. • Қиличбаликлар сақланадиган ҳовузда қоровул бўлиб хизмат қиладиган Жон Эйвист харг учун хавфли касбни танлаган. Ҳовуз Флорида шаҳрининг хайвонот ботида жойлашган. Жон Эйвист денгиздан хар хил қиличбаликларни овлаб келиб, шу ҳовузга солади. Ақваланг қийиб, хар кун иш неча мартаба ҳовузга тушади ва балчиқларни овқатлантириб, назорат қилиб туради. Қиличбаликлар янги шароитга тез-да кўникиб кетадилар.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ПОЙТАХТИМИЗДА 23 ОКТАБРЬ КУНИ ЮНЕСКОНИНГ «АНГИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛ АЛЬЯНС» МАВЗУИДАГИ ФОРУМИ БОШЛАДИ.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ахборот барча учун" дастури бўйича Ўзбекистон миллий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда юртимиз ва хорижий мамлакатлардан ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари, олимлар ва экспертлар иштирок этмоқда. Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

бош директорининг ўринбосари А.Хужаев мамлакатимизда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида барча жаҳада бўлгани каби ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қара-

тилаётганини таъкидлади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармони муҳим дастурилама бўлмоқда. Мамлакатимизда энг замонавий ахборот технологияларини барча жаҳаларга, шу жумладан, таълим муассасаларига кенг жорий қилиш, ахборот-ресурс мар-

казлари ташкил этиш, улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга орта бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш борасида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Замонавий, ишончли ва хавфсиз миллий ахборот манбаларини яратиб, ахборот ресурслари ва хизматлари бозорини ривожлантириш, ахборот алмашувининг электрон шаклларида изчил ва босқичма-босқич ўтиш, миллий ва халқаро ахборот тармоқларига улааниш борасида самарали чоралар қилинмоқда. Мамлакатимизда соҳа ривожига хизмат қиладиган халқаро анжуманларнинг мунтазам ўтказилиши, тармоққа хориж сармоясининг кенг жалб этилаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

ЮНЕСКОнинг ахборот ва коммуникация масалалари бўйича эксперти Йонг Нам Ким Ўзбекистон барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш борасида улкан ютуқларга эришаётгани ва мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. Икки кун давом этадиган мазкур анжуманда алоқа ва ахборотлаштириш, жумладан, замонавий телекоммуникация воситалари ва мураккаб ахборот тизимларини кенг жорий этиш, юқори технологияли маҳсулотлар яратиш ҳамда соҳада юксак салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш борасида кўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашишни фаоллаштиришга оид масалалар атрофида муҳокама қилинади. **Мадина УМАРОВА, ЎзА муҳбири**

ТОКИОДА «ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ЖОЗИБАДОР МАДАНИЯТИ» ДЭБ НОМЛАНГАН КЎРГАЗМА БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯЛИК САЙЁХНИГОҲИДА

Япониялик сайёх ва сураткаш Эри Аmano хоним томонидан яратилган фотосуратлардан ташкил топган экспозиция кўп йиллик кузатувлар самараси бўлиб, унда муаллифнинг турли йилларда мусулмон мамлакатларига қилган саёхатлари давомида олинган фото асарлари намойиш этилди. Айтиш жоизки, 15 йил давомида Э. Аmano хоним Миср, Эрон, Марокко, Сурия, Туркия, Ўзбекистон ва бошқа кўпбал мамлакатларда бўлиб кайтган.

Кўргазмани ташкил этишдан қўзланган мақсад ҳақида гапирар экан, у япон жамоатчилигини мусулмон дунёсининг ҳаёти, тарихий обидалари, ислом динининг маданий ва маънавий қадриятлари билан таништириш истагида эканини таъкидлади. Япониялик сураткашнинг айтишича, жамоатчилик фикрига катта таъсир ўтказувчи фароб оммавий ахборот воситалари баъзида ислом дунёси ҳақида нотўғри маълумотлар тарқатиши халқлар ўртасидаги тушунарликни кучайиб кетишига олиб қолмоқда. Шу боис Э. Аmano хоним фотография санъати орқали ислом олами ҳақида тўғри тушуноча бериш, унинг маънавий қадриятлари, гўзал ва улғувор меъморий обидаларини намойиш этишни мақсад қилган.

Ўзбекистонда Э. Аmano етти йил аввал бўлиб, мамлакатимиз унда жуда ёрқин таассурот қолдирган. «Мен Бухоро, Самарқанд, Хива ва Тошкент каби тарихий шаҳарларда бўлдим дейди у. — Юртингизнинг ахволий иклими, ҳушмуомала ва самимий одамлари, қадимий меъморчилик ёдгорликлари ҳозиргидек кўз ўнгимда. Мени мамлакатимизда кўп арслон тарихга эга бўлган осори атиқаларни асраб авайлашга қаратилаётган эътибор, айниқса, хайратга солди. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон арслар давомида ўзининг ноёб ва бетакрор маданиятини шакллантирди. Ўзбек аёлларининг либослари ўзининг ранг-баранглиги, нафислиги ва аёлларнинг гўзаллигига уйғунлиги билан ажралиб туради».

Э. Аmano ўзбекистонга бағишланган суратларда Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг гўзал ва улғувор тарихий обидалари, юртимизнинг доимо гавжум ва тўқин-сочин бозорлари ниҳоятда мохирлик ва ноҳик дид билан акс эттирилган.

Кўргазмага ташриф буюрган кўп сонли санъат муҳлисларининг айтишича, намойиш этилган асарлар жамоатчиликка мусулмон мамлакатлари халқлари ҳаётининг турли қирралари, жумладан, ўзбек халқининг ўзига хос маданияти, бой тарихий ва маънавий мероси ҳақидаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилди.

**Сирож АЗИЗОВ,
«Жаҳон» АА
Токио**



Танловлар

ЎҚУВЧИЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА

ОЛТИН КУЗ ХАЛҚИМИЗГА ЎЗИНИНГ БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРИНИ ҲАДЯ ЭТАР ЭКАН, КУЗ ФАСЛИНИНГ ОЛТИН КУЗ ДЭБ НОМЛАНГА БИЖИ ЭМАСЛИГИГА ИҚРОР БЎЛАМИЗ, АЛБАТТА. БОБОДЕҲҚОНЛАРИМИЗ БУ ФАСЛДА ТУРЛИ ХИЛ САБЗАВОТ ВА ЭМВАЛАРДАН ИБОРАТ ҲОСИЛНИ, ДАЛА НОЗУ НЕЪМАТЛАРИНИ ЙИҒИБ -ТЕРИБ ОЛАДИЛАР ВА ХАЛҚИМИЗГА ТОРТИҚ ЭТАДИЛАР.

Маълумки, мамлакатимизда ҳар йили олтин куз фаслида эзгулик ва хайр-саховатга йўғрилган «Меҳржон» байрамидеи ўтказиш анъанаси айланган. Бу йил ҳам юртимизда олтин фасл байрамини кенг нишонланмоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек тумани Маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот бўлими, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИХ, туман ўқувчилар ижодидеи маркази ташаббуси билан тумандаги 248-мактабда «Меҳржонга тасанно меҳржон» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда туман ўқувчилар ижодидеи маркази раҳбари Х.Исмоилов, Мирзо Улуғбек тумани Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби, Маънавият тарғибот бўлими раҳбари Х.Жуманиёзова, халқ таълими бўлимининг Маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Д.Қосимова сўзга чиқиб, «Меҳржон» байрамидеи мазмун-

моҳияти, унинг азалий қадриятларимиз ҳисобланмиши эзгулик ва хайр-саховатга асосланганини, тинчлик ва тўқинликка, фаровонлик ҳамда бирдамликка, меҳнатсеварликка чорловчи байрамлардан бири эканини ҳақида гапириб, ёшларимизга дастурхонимизнинг тўқин бўлишини таъминловчи кузги неъматларини қадрлаш ва эъзозлаш кераклигини уқтириб ўтди. Шу кун мақтабда меҳр-саховат байрами муносибати билан Олтин кузга бағишланган кўрпак-танлов ўтказилди, кўрпак-танлов орқали экологик мавзудаги ёшлар ижоди намойиш этилди. Тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган табиат инъомлари — кузги неъматлардан куз композициясини тайёрлаш (иккитаналар, сабза-вотлардан турли шакллар ясаш), шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари томонидан куз мавсумига бағишланган «Асфалтга расм чизиш» юқори синф ўқувчилари иш-

тирокда «Куз маликаси» сингар мавзуларда танловлар ниҳоятда кизиқarli ўтди. «Куз маликаси» танловда ёшлар йили муносибати билан ёшлар ҳаётининг саҳна кўринишлари намойиш этилди ва йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, танлов иштирокчилари кузги салат тайёрлаш, миллий либослар намойиши, мусикали ижодий саҳна кўринишлари маҳорат билан иқро этиб, хайрат аъзолари томонидан муносиб баҳо олдилар. Хусусан, «Куз маликаси» танловда иштирокчилар «Нафосат маликаси», «Мохир кўлар маликаси», «Жозиб маликаси», «Гўзаллик маликаси», «Олтин куз маликаси», «Истеъдод маликаси» сингар номинациялар бўйича муносиб ўринларга сазовор бўлдилар. Олтин фасл байрамига бағишланган тадбир якунида танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан Фархрий ёрлик ҳамда осдлик совғалари билан тақдирландилар.

— Хар йили ўтказиладиган «Меҳржон» байрамга бағишланган бундай тадбирларда ўқувчи-ёшлар катта кизиқиши билан фаол иштирок этадилар. — дейди Маънавият тарғибот маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлими раҳбари Халима Жуманиёзова. — Бундай тадбирлар, танловларни ўтказишдан қўзланган мақсад ҳам ёшларни азалий қадриятларимиз билан таништириш, уларнинг қалбидеи она Ватанга, она заминга, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини кучайтириш, шу билан бирга уларни меҳр-мурувватли, саховатли, меҳнатсевар инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Уйлашманки, бу каби тадбирларимиз ёшларимизнинг қомил инсон бўлиб вояга етишларидеи муҳим аҳамиятга эга бўлади, албатта.

**Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: танловдан
лавлар
Владимир Гранкин олган
суратлар**

ЯПОНИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Япониянинг Нагоя шаҳри университетидеи «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - ҳуқуқий ислохотлар асоси» мавзуидеи Ўзбекистон-Япония даври суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Нагоя университети томонидан Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда Нагоя ва Мие университетлари ҳуқуқшунослари, Осиё ҳуқуқий алмашув маркази раҳбари ва Нагояда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Учрашувнинг очилиш маросимидеи Нагоя университети вице-президенти, профессор Харуо Сабури, Нагоя университети ҳуқуқ факультети декани, профессор Казутака Сугуира ҳамда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчиси М. Очиллов сўзга чиқди.

Давра суҳбатидеи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотлари» ва Тошкент давлат юридик институтининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси моддаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тадбиқ этилиши» мавзуидеи маърузалар ўқиб эшиттирилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг суд идораларига берилиши, адвокатлик институтининг ислох қилиниши, Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштиришни тадқиқ этиш марказининг тузилиши мисолида Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг замонавий босқичи масалалари юзасидан фикр алмашди.

Япониялик мутахассислар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қонунчилик ҳужжатларини янги меъёрлар билан тўлдириб, мустақил суд тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, ўз навбатида, Асосий Қонуннинг барқарорлиги ва ҳаётлигини таъминлаш борасидеи кенг қўламли ишлар амалга оширилганига эътибор қаратди. Унинг фикрича, Конституцияда қоидларига асосан, мамлакатда қачанга ислохотлар даврида Ўзбекистонда «Хабес корпус» институтининг жорий этилгани диққатга сазовор воқеа бўлди.

Эксперт Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарори ҳуқуқий-демократик тизимни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлиб, бу орқали Ўзбекистон ўзининг инсонпарварлик анъаналарига содиқлиги ҳамда миллий қонунчиликни ислох қилишга интилаётганини амалда намойиш этганини таъкидлади.

«Японияда ўлим жазоси кўринишидаги жазолар ҳамон амал қиладидеи, — дейди М.Айкё. — Биз ушбу йўналишда Ўзбекистоннинг амалий тажрибасини ўрганишимиз зарур».

Нагоя университетининг ҳуқуқ факультети профессори Каиуя Ичииси Ўзбекистонда истиқлолнинг илк кунларидеидак жамият ҳаётининг барча жаҳаларида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширили бошланганини таъкидлади. «Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорлик доирасидеи Ўзбекистонга тез-тез бориб тураман, — деди К. Ичииси. — Шу боис мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларга шахсан гувоҳман. Ўзбекистон мустақиллик йилларида нафақат сиёсий-иқтисодий, балки суд-ҳуқуқ соҳасидеи ҳам жуда муҳим ислохотларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Республика қонунчилигида секин-аста Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг меъёрлари ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони эътиборга молик воқеа бўлди. Бу ноёб ҳужжатнинг қабул қилиниши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўзбекистонликлар учун аҳамиятли экани, улар ҳуқуқий давлат қуриш тарафдор эканидан далолат беради.

Аминманки, мамлакат Президентининг фармонидеи ҳаётга тадбиқ этилиши муҳим босқичи бўладиган қонуннинг қабул қилиниши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг Ўзбекистонда амал қилиши ва ушбу ҳужжат мамлакат халқининг манфаатларига хизмат қилиши учун замин яратиди».

Давра суҳбатини юқори баҳолаган ҳолда япониялик мутахассислар Нагоя университети билан Тошкент давлат юридик институти ўртасидеи аввалги учрашувлар ҳам японияликларга Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг моҳиятини чуқурроқ англаб етиш имкониятини берган.

Учрашув якунида навбатдаги Япония-Ўзбекистон давра суҳбатини жорий йил охирида Тошкентда ўтказиш имкониятларини ўрганиб чиқиш юзасидан фикр алмашилди.

**«Жаҳон» АА
Токио.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги Конвенциясига кўшимча киритувчи «Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдидеи олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги Протокол давлатимиз томонидан 2001 йил 28 июнда имзоланган. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси 1949 йил 2 декабрда қабул қилган Одамлар савдо-

томир отиб кетишининг асл босисини? Бу аввало одамлар орасидеида бефарқлик, ўз ҳуқуқини билмаслик ва алдовларга осонгина ишонувчиликларидеи турфайли кўпчилики шу жиноят қурбонига айлиниб қолмоқда. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида эса ушбу вазиятнинг олдидеи олиш, «одам савдоси» ва «одамлардан фойдаланиш» тушунчалари белгиланди,

Истаймизми, йўқми шуни тан олишимиз керакки, одам савдоси жиноятчилиги бугун дунё муаммосига айланган. Бу уюшган жиноятчиликнинг томир отиб кетиши, қурраи замин муаммосига айлиниб улгурганининг босиси одам савдоси ўта кўлай ва мўмай даромад келтирадиган савдо. Биз биланмики, ёллаш, олиб ўтиш, топшириш, алдаш орқали бу иллат қурбонига айланган одамлар жиноятчилар томонидан бир эмас, бир неча мартаба қўлдан қўлга сотилади, қайта-қайта сотилган жабрдийдалар соғлигидан, кучидан айрилганчагина улар керакмас матоҳга айланади. Шу ўринда эслатма тарзида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдеи ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги қасб фаолияти тўғрисида»ги қарорининг 1-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат қонунчилигига кўра ўз қасб фаолиятларини амалга ошириш мақсадида хусусий ва давлат шартномалари асосида фақатгина Меҳнат ва аҳолини янги тўқиний муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқалигина чет элга чиқиш ҳуқуқи эгадирлар. Воситачилик фирмалари орқали чет элга иш илаётганларга мазкур фирма ходимлари ишчи кўчини олиб келиш ва олиб чиқиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)ни кўрсатиши шарт.

**Василжон НОРОВ,
суд ижроҳиси**

Санъат ИЖОДҚОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«Ёшлик» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ЎЗБЕКISTONДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ, ПРОФЕССОР АБДУМАННОН УБАЙДУЛЛАЕВ ВА «ВАТАН» ФИЛЬМИ ИЖОДҚОРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ. УЧРАШУВДА ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ТАЛАБАЛАРИ ҚАТНАШДИЛАР. МАЪРУСА ТУРАДА «КИНОНИНГ ВАТАН ТУЙГУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ» МАВЗУСИДА БЎЛДИ.

Тадбирни фалсафа фанлари доктори, профессор Нигина Шермухамедова кириш сўзи билан очар экан, Ватан тушунчаси нақадар азиз эканлиги, ёшлар ушбу муқаддас сўзнинг моҳиятини тубдан англаб, унинг истиқболига ўз хиссаларини қўйиш учун хозирдан замин яратмоқлари дардорлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашда санъатнинг, хусусан, кино жанрининг тутган ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Ёшлик қизиб турган пўлатга ўхшайди. Унга уста томонидан қандай ишлов берилса, у келажакда жамиятга, халққа шундай буюм сифатида ярайди», деганларидек, бугунги тадбир ҳам Ватанга бўлган ички туйғуларимизни шакллантиришда муҳим вазифа бажаради. Битта инсон тақдирини орқали Ватан, эрк тушунчаларини ифодаловчи ушбу фильм ҳам биздаги шижоатнинг янада мустаҳкам шаклланишига хисса қўша олади деган фикрдан, — дед таъкидлади Н.Шермухамедова.

Талабалар ўзидеи энг муқаддас, соф ва самимий тушунчаларни ифодаловчи «Ватан» видеофильмининг томоша қилганларидан сўнг ижодкорлар билан фикр-мулоҳазаларини ўрнотдилар. **Сабохат ДУСЧАНОВА**

Хуқуқий давлат сари

ҚОНУННИ БИЛГАН АДАШМАЙДИ

БУГУНГИ КУНДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ КУЧАЙИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОДАМЛАР САВДОСИ ҚАМРОВИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНИ СИР ЭМАС. МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, ДУНЁ БЎЙИЧА ҲАР ЙИЛИ 2,7 МИЛЛИОН НАФАРГА ЯҚИН ШАХС АЙНАН ШУ ЖИНОЯТ ҚУРБОНИ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 80 ФОИЗИНИ АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

одам савдосига қарши курашиш тизимининг ташкил этилиши тартиби, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг химояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари ўз ўрнини топди.

Халқимизда ҳар ерчи қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу, деган нақл бежизга айтилмаган. Аммо бу нақлнинг мағзини нима учундир кўпмакчавермаймиз. Тўқин ҳаётни ваъда қилувчиларнинг қиёфаси, шакл-шамойили турли хил бўлгани билан уларнинг мақсади битта — одамларнинг ишончига кириб, алдов ишлатиб, мўмайгина пул эвазига қимматли сотиш юбориш. Аммо алданиб қолганларнинг қисмати уларни заррача бўйсин қизиқтирмайди.

Таассуфки, бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида қанча гапирилмасин, матбуотда ёритилмасин аммо ҳақиқатда кимларнингдир «қўмағи» билан, ноқонуний йўллар орқали четга бориб ишлаш истагида юрганлар бор.

ОЗ-ОЗ ЎТГАНИБ ДОМО БЎЛУВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

«ИСКАНДАР ХИРАДНОМАСИ» ДАН (Шоислом Шомухамедов таржимаси) ХИКМАТЛАР

Истасанг бировнинг айбини ювмоқ, Аввал ўзинг айбдан тоза тут ҳар чок.

Агар ифлос бўлса ариқдаги сув, Кийим тоза бўлмас, уни юз бор юв.

Чиройли сўзингга бўлма махлиб, Сўзингдек ишингни безат аввало.

Бажармайди фарзанд отаси сўзин, «Холва ема», деса еб туриб ўзи...

Эҳтиёж бўлмаган ишга иштиёқ, Хилю, кўп ўйлама узундан-узок. Ҳар ишқи бўлмаса унга зарурат, Олисроқ бўлганинг яхшидир гоят.

Кулф ҳеч қилолмас калитнинг ишин.

Ёмон хулқ ёнига ёндошма, зинҳор, Ёмон хулқнинг осон юкиш хавфи бор.

Илми дилга жо қилишга тириш, Билиб ол-да, сўнгра чин ишга кириш.

Кўр киши кўлига кўтарса чирок, Чироғидан равшан бўлур ҳамма ёқ. Ўзгалар йўлини ёритар кўли, Аммо бебаҳрадир унинг ўз йўли.

Ҳар кимдан истама дўст — ошнолик, Ҳар ошнодан кутма сен рўшнолик.

Ҳар жафоки, сенга етса оламдан, Етмагай нотаниш ё одамдан. Даъвогар бўлади икки дўст, таниш, Бегоналар аро кўзгалмас бу иш.

Аритсанг ойнадан чангу кудурат, Равшанроқ кўринур ойнада сурат. Бехуда гаплардан тилинг эт холи, Ошкор бўлади ақлинг жамоли...

Сўзингни безатмоқ бўлса гар тилак, Ростликдир сўзингга энг яхши безак.

Хорликдан чиқмасин эгрилар боши, Тўғрилиқдир доим тўғри йўлдоши.

Донолар йўлини фақат битта бил, Ҳар дамда ўзгарар билимсиз жоҳил.

Бу олти тарафли дунёда ҳамон, Олти киши дилин кўрмайсан шодон. Бири ҳасадчидир, қайда бўлмасин, Ўзгаларнинг бахти ёқар сийнасин. Ўзидан бошқани бахтли кўрган кун, Аламдан жонига тушади тутун. Иккинчиси, кина, адоватчидир, Ёмон хулқ ёмонликка даъватчидир. Ўзгага қилмаса кина-маломат, Унинг ўз сийнасин тешар адоват. Учинчиси, янги бой бўлган киши, Туну кун икки хил унинг ташвиши: Бири — яна бойлик топиш нияти, Бири — кўлда сақлаб қолиш давлатин. Тўртинчиси, хасис; олтину кумуш — Дилни баробар иккига бўлмиш. Фам ерки, фақирлик тушмагай ногоҳ, Бўлмагай деб ёруғ кунларим сиёҳ. Бешинчиси, мансабталаб кишидир, Ўз этини емак унинг ишидир. Орзуси доимо баланддан баланд, Кийналур ташлолмай мўлжалга каманд. Олтинчиси, одоб, ахлоқ душмани, Одобилар унинг ҳар чок душмани. Ўз таъби бенасиб бўлмай одобдан, Бошқаларни кўриб, чиқмас азобдан...

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Саховат



ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

ЁШЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, УЛАРНИНГ ТИББИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, СОҒЛИҚЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАҚСАДИДА МАМЛАКАТИМИЗДА БИР ҚАНЧА АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА БЎЛИБ ЎТГАН «СИЗ ДОИМО ҲИМОЯДАСИЗ» МАВЗУИДАГИ ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ ҲАМ УШБУ ТАДБИРЛАРНИНГ ДЕБОСАСИДИР.

— Бундай тадбир мамлакатимизда биринчи мартаба ўтказилмоқда, — дейди «Сиз доимо ҳимоядасиз» хайрия тадбирининг ташаббускори ва ижрочиси «Кафолат» Давлат акциядорлик сугурта компаниясининг мутахассиси Заршад Қаримов биз билан суҳбатда. — Халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибатлилиги ва саховатпешалиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай вазиятда ҳам инсонларнинг бир-бирларига бўлган эътибор ва ғамхўрлиги бизнинг ўзбек халқига хос бўлган кадрият ҳисобланади. Ёшлар йили муносабати билан ўтказилаётган мазкур хайрия тадбиримиз замирида ҳам оқибат, меҳр ва инсонпарварлик ётади. Мусиқа ва маданият йўналишида таълим олаётган ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз томонидан бир қанча Фармон ва Қарорлар имзоланмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг самараси ўларок, бугунги кунда ёш мусиқачиларимиз ва иқтидорли хонандаларимиз ватанимизни тараннум этувчи куй ва қўшиқлари билан дунё

сахналарини забт этмоқдалар. Турли халқаро танловларнинг ғолибларига айланмоқдалар. Мазкур хайрия акцияси ҳам уларнинг саломатликларини муҳофазалаш ва ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида уюштирилмоқда. Баъзан рўй берадиган бахтсиз ҳодисалардан уларнинг соғлиқларини сугурталаш мақсадида ўтказилаётган хайрия акциямиз Ўзбекистонда биринчи мартаба ташкил этилмоқда. Иқтидорли хонанда Ойполук Эшонхонова ҳомийлигидаги бу тадбирда 333 нафар ўқувчи, талабалар иштирок этдилар ва уларнинг ҳар бири 300.000 сўм миқдорда 2009 йилнинг 21 октябригача сугурта қилинди. Хонанданин бундай хайрли ишга бош бўлгани барчамиз учун қувончлидир албатта. Зеро, хайрли мақсадлар йўлида ташланган ҳар бир қадам ортида эзгулик ва яхшилик мўжзамидир. Хайрия акциясига Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабалари ва Х.Х.Ниёзий номидаги Рес-

публика мусиқа коллежи, Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби, Тошкент миллий рақс ва хореография коллежи, Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа лицейи, В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа лицейи, Тошкент маданият коллежи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги академик лицейининг кам таъминланган, ногирон ва боқувчисини йўқотган ўқувчилари тақлиф қилинди. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори Дилора Муродова, ёшлар саломатлиги муҳофазаси йўлида қилинаётган бу каби хайрли тадбирлар уларнинг кучига куч қўшиб, иқтидорларининг янада шаклланишида илҳом бағишлашини, ўзларининг кимгадир керак эканликларини ҳис қилиб яшашлари эса муҳим омил эканлигини таъкидлади. Халқимизнинг сеvimли хонандалари эса ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан барча йиғилганлар-

га хуш кайфият бахш этдилар. Акция сўнггида ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик. — Мен ушбу акцияга тақлиф қилинганимдан жуда хурсандман, — дейди Х.Х.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи ўқувчиси Файрат Ғиёсов. — Бу хайрия тадбирида коллежимиздан 34 нафар ўқувчилар иштирок этдилар. Акция меннинг ҳаётимда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Унинг ташаббускорларига ва ҳомийларига ўз миннатдорчилигини нафақат ўз номимдан, балки, коллежимиз раҳбарияти, яқинларим ва акцияда иштирок этган тенгдошларим номидан билдирмоқчиман. Сахийқалб инсонлар ҳаммаша бор бўлсинлар. **Жасур ЧОРИЕВ, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабаси:** — Хайрли ишлар қилиш, саховат кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бу тадбирда ҳам миллиятимизга хос бўлган хайрли аънава буй кўрсатди. Ҳомийларимиз томонидан бизларга

кўрсатилаётган юксак эътибор барча тенгдошларим қатори мени ҳам шодлантдири. Жуда ҳам хурсандман. Илоҳим юртимизда саховатпеша инсонларнинг сони кўпаяверсин. Бизни ўйлаб, шунчалик меҳр ва оқибат кўрсатишгаптики, уларнинг иши янада бароридан келаверсин, тани-жонлари соғ бўлсин. Ҳа, меҳр ришталари одамларни ҳаммаша бирдамликка чорлайди. Яхшилик сари ундайди. Мазкур хайрия акцияси ҳам ёшларнинг қалбига Ватанга ва халқига бўлган ишонч ва меҳрини янада оширди. Доноларимиз айтганидек, меҳр ва саховатнинг адоғи бўлмайди. Бу икки ришта одамларга ҳаммаша эзгулик улашишдан чарчамайди. Истаймизки, саховатли халқимизнинг бағри бунданда бутун бўлиб бораверсин. Ҳомийларимиз эса эл раҳмати ва дуосидан доимо баҳраманд бўлиб юрaversинлар. **Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА:** Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтган хайрия акциясидан лавҳалар

ТИЖОРАТ ХАВАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАВАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

O'ZSANOATQURILISHBANK

Факат 25 октябрдан 25 декабргача Тошкент шаҳрида

2008 йил 25 октябрдан 25 декабргача Тошкент шаҳрининг барча худудларида товар ва хизматлар учун тўловларни «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» VISA пластик карточкалари ёрдамида амалга оширинг ва куйидагиларни ютиб олинг:

Телевизор	Кондиционер	Дазмол	Уяли телефон
DVD-плеер	Чангютгич	Футболка, кепка, блокнот	Радиотелефон

Супер ютуқ

Компьютер!!!

Шунингдек, 5000 сўмгача бўлган чек тақдим қилувчига — ручка ёки блокнот, 5000 сўмдан 10.000 сўмгача бўлган чек тақдим қилувчига — кепка, 10.000 сўмдан юқори миқдорда бўлган чек тақдим қилувчига — футболка каби **10.000 дан ортиқ** рағбатлантирувчи совғалар берилади!

Компьютер ютуғи — миқдор (сумма) жиҳатидан энг кўп транзакцияни амалга оширган қатнашчига берилади.

Кондиционер ютуғи — сон жиҳатдан энг кўп транзакцияни амалга оширган қатнашчига берилади.

Промо акцияда Ўзсаноатқурилишбанк VISA пластик карточкалари эгалари ҳамда акция давомида очилган янги пластик карточкалар эгалари қатнашадилар

Ўзсаноатқурилишбанк VISA пластик карточкалари Сизнинг доимий ҳамроҳингиз!

Кўшимча маълумотларни www.uzpsb.uz сайтидан ва (8-371) 120-45-42, 120-36-16, 120-45-13 телефонларидан олишингиз мумкин.

Кураш

ИНДОНЕЗИЯДАН ХУШХАБАР

МАЪЛУМКИ, КЕЛГУСИ ЙИЛИ ТАИЛАНДА ЯККАКУРАШ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ОСИЁ ЙЎНИНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Кувонарли жиҳати шундаки, жаҳон узра кенг қулоч отаётган кураш яккакураш спорт турлари бўйича Осиеё уйинлари дастуридан ўрин эгаллади. Бу ҳақда яқиндагина Индонезияда уюштирилган Осиеё Олимпик кенгашининг кенгайтирилган Конгресси ва Ижроқўм йиғилишида маълум қилинди.

Дарвоқе, келгуси йилда Вьетнамда Осиеё уйинлари ташкиллаштирилади. Ёпиқ иншоотларда ўтадиган Осиеё уйинлари дастуридан кураш ҳам ўрин эгаллаган.

Ўзбекининг миллий кадриятларини ўзида акс эттирган курашнинг келгусида ёзи Олимпиада уйинлари дастурига ҳам киритилиши шубҳасиз.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАВАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ 15 ЁШДА!

Республика «Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган **ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

I. 2008 йил 2 декабр кuni соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 02.07.2008 йилдаги ЖСК-1-1370/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси ИМХ автотранспорт воситаси жойида сақланган, «BA3-2101» русумли, д/р 30V7356 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.

II. Шунингдек 2008 йил 18 ноябр кuni соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига тақоран, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 14.05.2007 йилдаги 10-0710/5715-сонли буйруғига асосан хатланган, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани «Себзор» жарима майдонидан сақланган, «Дамас» русумли, д/р М 45-70 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 203 700 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатлаш учун, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва савдосини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекбанк» С.Раҳимов ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО-0901, ИНН-200933850, ҳ/р-2021000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари. Маълумот учун тел: 239-89-27

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 906

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3298 нусxada босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

2